

ISSN 2181-7324



O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI

IJTIMOIIY-GUMANITAR FANLAR
YO'NALISHI

ВЕСТНИК НУУЗ

АСТА НУУЗ

1/9
2022



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУз

АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН

2022
1/9

Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми

Бош муҳаррир:

И.У.МАДЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир ҳайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Нишоновна О.Ж. – ф.ф.д., проф.

Абдуллаева Н.Б. – ф.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Утамурадов А. – ф.ф.н., проф.

Ахмедов Х.А. – с.ф.д.

Мирзаахмедов К.М. – с.ф.ф.д., PhD.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Болтабоев Х. – фил.ф.д., проф.

Рахмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддикова И.А. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2022

МУНДАРИЖА

Тарих

Аллаберганов Ш., Джуманиёзова М. Уруш йилларида театр ва труппаларнинг Хоразм вилояти аҳолисининг маънавий-маданий ҳаётидаги ўрни	4
Асатуллаев М. Народное просвещение Самаркандской области в 1971-1975 годах	7
Исмоилов С. Ўзбекистонда нефт ва газ саноати тарихидан	10
Kamolova N. Xorazm vohasi dehqonchiligida totemizm va fetishizm	13
Кенжаев С. Амир Темур ва Хитой давлати ўртасидаги ҳарбий муносабатлар ўзаро тўқнашув ҳавфининг вужудга келиши	16
Қодиров Қ. Туркистон пенитенциар муассасаларининг шарт-шароитлари ва уларда ўтказилган тафтиш натижалари	19
Мўминов Т. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси марказий архиви ҳужжатлари академик Иброҳим Мўминовнинг ҳаёти ва илмий фаолияти бўйича манба сифатида	22
Назарова Д. Туркистон музейининг манбаларда ёритилиши	26
Нарзиев Н. Ўзбек мулоқот маданиятининг тарихий илдизларига оид баъзи мулоҳазалар	29
Rajabova M. Davlat uy-joy fondi va kommunal xizmatni yo'lga qo'yish tadbirlari	33
Saparov B. O'rta Osiyo xalqlari harbiy san'ati tarixi)	36
Утаева Ф. Бухородаги ип-газлама комбинати тарихи	39
Хакимова Ш. Ўзбекистоннинг электроэнергетика саноатини ривожлантириш борасидаги ташқи алоқалари	43
Шакиров И. Асеан – политический инструмент региональной стабильности в Юго-Восточной Азии	46
Фалсафа. Педагогика. Психология. Методика. Социология. Сиёсий фанлар	
Абдукодирова П. Бўлажак ўқитувчиларда алгоритмик компетенцияларни ривожлантириш аҳамияти	50
Абдуллаева У. Қирбоева Н. Бўлажак ўқитувчиларда устоз-шогирд анъаналарини ривожлантиришнинг моҳияти	54
Abdiraimov Sh. Ona tili bo'yicha bilim va malakalarni baholashga doir	57
Абдурасулов И. Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда ўзбек халқ анъаналари асосида ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантириш	61
Азимқулов С. Умумтаълим мактабларида информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитишда таълим кластери ёрдамида ривожлантириш	65
Алимардонова М. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг инглиз тилида ёзув малакасини такомиллаштиришда компетентликка асосланган ёндашув	67
Ахмедова Г. Нутқий мулоқот маданияти элементи киритилган диалогик шаклда нутқ ўстириш метод ва усуллари	71
Бахриев А. Мактаб репертуари асосида 5-7 синф ўқувчиларининг мусиқий тингловчилик маданиятини ривожлантириш	74
Боймуродов А. Умумий ўрта таълим ва олий таълим тизими бошқарувида кластер усулининг ўрни	78
Бурханов Х. Глоблалашув шароитида миллий сайтларнинг ривожланиш даври	81
Гулямова Н. Талабалар ижтимоий фаоллигини ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни	85
Джумабаев Қ. Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари ўқув фаолиятида PYTHON дастурлаш тилини ўргатиш усуллари	88
Джумабоев Ж. Ички ишлар органлари ходимларининг малакасини ошириш жараёнида ижтимоий фаоллик компетентцияларини ривожлантириш моҳияти ва зарурияти	91
Журақобилова Х. Масъулият маҳаллий бошқарув ходимлари фаолиятини баҳолашнинг муҳим омил сифатида	94
Ибрагимов И. Туркистон Жадидлари илмий-маънавий мероси ижтимоий фалсафий жиҳатларининг америка олимлари томонидан ўрганилиши	98
Иброҳимов М. Талаба ва ёшларда ижтимоий компетентликни ривожлантиришга касбий профессионал ва тизимли ёндашувлар	101
Yo'ldoshev U. Badiiy tarjima o'qitishda qo'llanadigan mashq va topshiriqlar tizimi	104
Қадинова Х. Миллий идентикликка ижтимоийлашув, маданий, тарихий мерос ва тилнинг таъсир этиш хусусиятлари	107
Қамолов Э., Хуррамов А. Современное состояние вопросов управления технологических процессов обогащения Каолина	110
Kodirova F. Technologies for improving management competence of future primary class teachers	114
Қунназаров А. Педагогик дастурий воситалардан фойдаланиб интерактив таълим машғулотлар яратиш	117
Қудратхўжа Ш. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда замонавий коммуникация воситаларининг ўрни	120
Qo'ldosheva M. Iqtisodiy va ijtimoiy geografiya fanidan virtual ta'lim darslarini tashkil etish mexanizmlari	124
Мансурова М. Янги Ўзбекистон бошқарувининг замонавий цивилизация ривожидagi аксиологик аҳамияти	127
Mukhammadieva N. Advantages of using new pedagogical technologies in teaching english language to higher education students	131
Низамова М. Талабалар касбий мобиллигини ривожлантиришнинг педагогик моҳияти ва функциялари	134
Norqobilova R. Pedagogik diagnostika har bir o'quvchining muvaffaqiyatini oshirish usuli sifatida	137
Омонов Р. Интерактив давлат хизматларини кўрсатишда Жануби-Шарқий Осиё давлатлари тажрибаси (Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур давлатлари мисолида)	140
Пулатов Ж. Ёшларнинг янгича тафаккурни шакллантиришда ахборот маданиятининг роли	144
Ражабов О., Ризаев О. Тиббиётда электрон рецептлар онлайн платформасини ташкил қилиш афзалликлари	146
Rahmonov Sh. Umumiy o'rta ta'lim kimyo kursini o'qitishda STEAM yondashuvning samaradorligi	149
Сайдов С. Жамият барқарор таракқиётида фуқаролар фаоллигини ошириш механизмлари	152



Гулноза АХМЕДОВА,
Тошкент Педиатрия тиббиёт институти доценти
E-mail: rsamsung958@gmail.com.

ТДЎТАУ профессори, н.ф.д. Р.Х.Ниёзматова тақризи асосида

METHODS AND METHODS OF DEVELOPMENT OF DIALOGIC SPEECH BY ELEMENTS OF THE CULTURE OF SPEECH COMMUNICATION

Abstract

In the article, the author recommends methods that serve to develop the culture of speech communication using the etiquettes of the Uzbek language to students of schools with Russian instruction. In the system of modern education, teaching the rules of the culture of politeness, work on speech stamps can be divided into two directions: 1) methods and methods that develop speech in a dialogical form with elements of the culture of speech communication; 2) the place of visibility, especially modern information technologies in the development of students' dialogical speech.

Keywords: Rules of speech behavior – rules of speech politeness, politeness – beautiful speech, etiquette – speech stamps, culture of behavior – culture of politeness, advanced models – modern models.

МЕТОДЫ И СПОСОБЫ РАЗВИТИЯ ДИАЛОГИЧЕСКОЙ РЕЧИ ЭЛЕМЕНТАМИ КУЛЬТУРЫ РЕЧЕВОГО ОБЩЕНИЯ

Аннотация

В статье автором рекомендуются методы и способы служащие развитию культуре речевого общения использованием этикетов узбекского языка ученикам школ с русским обучением. В системе современного образования обучения правилам культуры вежливости, работу над речевыми штампами можно разделить на два направления: 1) методы и способы развивающие речь в диалогической форме с элементами культуры речевого общения; 2) место наглядности, особенно современных информационных технологий в развитии диалогической речи учеников.

Ключевые слова: Правила речевого поведения – правила речевой вежливости, вежливость – красивая речь, этикеты – речевые штампы, культура поведения – культура вежливости, передовые модели – современные модели.

НУТҚИЙ МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ ЭЛЕМЕНТИ КИРИТИЛГАН ДИАЛОГИК ШАКЛДА НУТҚ ЎСТИРИШ МЕТОД ВА УСУЛЛАРИ

Аннотация

Мақолада муаллиф томонидан таълим рус тилида олиб бориладиган мактаб ўқувчиларида ўзбек тилидаги этикетлардан фойдаланиб нутқий мулоқот маданиятини ривожлантиришда хизмат қилувчи метод ва усуллар тавсия қилган. Замонавий таълим тизимида муомала одоби қоидаларини ўргатиш, қолип гаплар устида ишлаш мумкин бўлган қуйидаги икки йўналишни ажратиш мумкин: 1) нутқий мулоқот маданияти элементи киритилган диалогик шаклда нутқ ўстириш метод ва усуллари; 2) ушбу йўналишда кўрсатмалилик, айниқса, замонавий ахборот технологияларининг ўқувчилар диалогик нутқини ўстиришдаги ўрни.

Калит сўзлар: Муомала одоби қоидалари – нутқий муомала қоидалари, хушмуомала – мулойим, этикетлар – қолип гаплар, хушхулқлик – хулқ одоби, илғор моделлар – замонавий моделлар.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020-2030-йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш Концепциясида (ЎЗР Президентининг 20.10.2020 й. ПФ-6084-сон Фармонида 1-илова) таъкидланишича, ўзбек тилини ўрганиш самарадорлигига эришиш уни ҳар томонлама илғор таълим методикасининг такомиллашувига хизмат қўсатувчи нутқни ривожлантирувчи метод ва усулларнинг ишлаб чиқиши ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар, буюк аждодларимизнинг сермазмун маънавий меросидан фахрланиш руҳида тарбиялашга замин ҳозирлайди.

Ўқувчиларнинг ўзбек тилида ўзаро сўзлашув қўниқма ва малакаларини ривожлантиришнинг сифати ва самарадорлиги танланадиган метод ва усулларга боғлиқ. Метод ва усуллар эса нима ўргатилишига қараб танланади. Ўрганиладиган материалларни уч турга ажратишимиз тўғри бўлади:

- 1) қолип гаплар, уларнинг маъно-мазмунини, рус тилида ифодаланиши, қайси нутқий вазиятларда қўлланиши;
- 2) муомала одоби қоидалари, бу қоидаларнинг ўзбек тилидаги этикетларга хос жиҳатлари;

3) яхлит сўзлашув (диалог) намуналари.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Қолип гаплар лисоний БКМлар сирасига қиради. Сўз шакли, ундаги грамматик восита маъноси, сўз бирикмаси ёки гапнинг мазмунини чет тилларни ўқитиш илмида кенг тарқалган бевоситалик (прямой), кўрсатмали-вазиятли, таржима-грамматик, қўлланиш ҳолатларини изохлаш, онгли-амалий, тилни назарий, назарий-амалий, амалий ўрганиш, мим-мем, аудио-визуал (аудио-лингвал), аралаш (комбинированный) каби методлар ёрдамида англатилса, қолип гаплар, дарсликларда берилганидек, кўпроқ нутқий намуналар, таржима ва изохлаш йўли билан тупунтирилади. Ўзбек тилидаги қолип гаплар маъно-мазмунини ўқувчиларга турли йўللار билан англатиш (семантизация-лаш), жумладан, рус тилига таржима қилиш ва зарур ўринларда қўлланишини изохлаш, ўзбекча қолип гапни рус тилидаги эквиваленти билан қиёслаш амалларини бажариш, мустаҳамлашда машқлар қатори интерактив усуллардан фойдаланиш яхши самаралар беради. Ўқувчиларнинг ўзбек тилига доир сўз бойлиги, гап тузиш малакалари ўзбек тилини ўқитишнинг умумий намунага таянган ҳолда ўқувчиларнинг ўз нутқини ривожлантириш йўналишида амалга оширилса, қолип гаплар устидаги

ишлар тор доирадаги хусусий йўналишни ифода этади. Шунинг учун биз лисоний БКМлар устидаги юмушлар сирасида умумий йўналишдагина эмас, балки аниқ қолип гапларни ўргатиш метод ва усуллари ҳам мурожаат этамиз. Диалог намуналари эса ўқишни ўргатиш тарикасида таништирилади. Сўз шаклини, яъни сўздаги грамматик воситанинг маъносини очишда эса таржима-грамматик метод тавсия қилинади[3]. Бевоситалик методи таржимасиз методга тенг келади, яъни бунда таржима воситачилигидан фойдаланилмайди. Сўз ёки сўз шакли маъносини, гап (жумладан, қолип гап) мазмунини англатишда нарсас-буюмлар (баъзан муляжлар), предметли ва предметсиз қилинадиган ҳаракатлардан, расмлардан, турли тасвирлар акс этган видеотасвир кадрларидан фойдаланилади. Шу жиҳатига кўра В.А.Хван ўз ишда кўрсатмали-вазиратли методни тавсия этади. "O'zbek tili" дарсликларида аксарият ҳолатларда қолип гапларнинг русча эквивалентларини кўрсатмай берилганлиги бевоситалик методига амал қилинганликдан далolatдир[7]. Дарсда айтилган ёки ўқилган сўз ва сўз шаклини ўзбек тилидан рус тилига қилинадиган ўғирмаларга мурожаат этилса, таржима методи қўлланган бўлади. Қолип гаплар мазмунини тушунтиришда таржиманинг ўзи кифоя қилмайди: бунга қўшимча равишда ушбу диалогик бирликларнинг нутқда қайси нутқий вазиратларда ишлатилишини изохлаш, рус тилидаги муқобилига киёслаш ҳам тақозо этилади. Айрим қолип гапларнинг ўзбекча-русча дугати бериб қўйилса, маъно-мазмунни бу тарзда тушунтириш ўқувчиларнинг асл эҳтиёжларини қондирмайди: ёшлар уларнинг қайси нутқий вазиратларда ишлатилиши мумкинлигидан хабар топмай, баъзан хато гапиришлари мумкин. Ўрнига қараб таржимасиз англатиш методи қўллansa, яна бир хил ҳолатларда таржимадан ҳам фойдаланилади. Бу нарсас ўқувчиларнинг тил бирлигини хато англаши мумкин бўлган вазиратларда ўзини оқлайди. Аралаш метод юқоридаги икки метод қўймаси саналади[8].

Методик адабиётларда кўрсатиш-намоиш этиш методига алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу метод қолип гаплар мазмунини тушунтиришга нисбатан татбиқ этиладиган бўлса, бунда фойдаланиладиган кўрсатмалилик нутқий вазиратли тасвирлар (бажариб кўрсатиладиган ҳаракатлар, ижро этиладиган диалоглар) тарзида бўлиши керак. Масалан, транспортда боланинг кекса кишига жой кўрсатиши тасвирланган расм ва х.к. Дарсда кичик-кичик сахна кўринишлари ижро этилиши ҳам кўрсатиш-намоиш этиш методига хосдир. Бунда ҳам ўқувчилар нутқий вазиратли ҳаракатларни кўрадилар ва диалогларни эшитгадилар. Аслида ушбу метод ҳам бевоситалик методининг такомиллашган ҳолатини ифода этади.

Хуллас, ўзбек тилидаги қолип гапларнинг мазмунини англатишда куруқ ўзбекча-русча дугатлар эмас, балки уч устунда тавсия қилинадиган ўғирмалар зарур. Биринчи устунда ўзбекча қолип гаплар, иккинчи устунда уларнинг русча эквивалентлари, учинчи устунда (зарур ҳолатларда) нутқий вазиратлар билан боғлиқ изоҳлар берилгани маъқул. Бошқача айтганда, ҳам таржима-грамматик ва кўрсатмали-вазиратли методлар, ҳам изохлаш методидан фойдаланиш лозим [11].

Тадқиқот методологияси. Муомала одоби қоидалари дарсликдаги шу мазмунда берилган матн устида ишлаш, ўқитувчининг айрим нутқий вазиратларни изохлаши, баъзан ўзбек халқига хос шарқона муомала одоби юзасидан маълумот бериши, ўқувчиларнинг ўзаро сўзлашувидан олдин сўзлашув оҳанги қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтириши тарзида ўрганилиши мумкин. Ўзбек тили ўқитувчилари, одатда, дарсликларда муомала одобига доир берилган санокли матиларни ўқувчиларга ўқитиб, мазмунни юзасидан қисқа суҳбат ўтказгадилар. Бу билим олиш устида ишлаш жараёни учун

етарли бўлар. Лекин матнда ўз аксини топган қоида сўзлашув машқлари ёрдамида мустаҳкамланиши, вақти-вақти билан ўқувчилар хотирасига тушириб борилиши зарур. Айниқса, болалар муомала одоби қоидасига амал қилмай, ўзаро фикр алмашганларида олинган билим ёдга солиниши лозим. Ўқитувчининг ўзи ҳам баъзан йўл-йўлакай айрим қоидаларни маълум қилади. Бунда қуйидаги мазмунда кўрсатмалар беради: "Хушмомалалилик билан жавоб бер!", "Гапирганда, суҳбатдошинга қараб гапир!", "Суҳбатдошининг исмини айтиб мурожаат қил!". "Муомала одоби қоидалари билимдони" ўйини дарсликдаги ва дарсликдан ташқари маълум қилинган шундай қоидалар заҳираси тўплана бошлаган даврда ташкил этилгани маъқул.

Ўқувчиларнинг ўзбекча диалогик нутқини ўстириш методларини танлашда юқоридаги ҳолатларни, бажариладиган ишлар қўламини назарда тутиш зарурият саналади. Бу деган сўз, сўз бойлигини ошириш, гап тузишни ўрганиш, қолип гапларни ёд олиш, савол бериб, жавоб қайтаришнинг ўзи диалогик нутқни ҳам, нутқий мулоқот маданиятини ҳам ривожлантириш учун етарли эмас. Суҳбатдошларда бир-бирига эътиборли бўлиш, диалог репликаларини кўрсалик қилмасдан, хушхулқлик, хушмуомалалилик билан айта олиш, сўзлашувда самимият, сўз шакллари шунга монанд танлаш, гапириш оҳангини яхши қилиш каби таълим-тарбия жиҳатлари ҳам инобатга олиниши даркор [11]. Замонавий таълим жараёнини илғор моделлар базасида ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида таълим олувчиларнинг диалогик нутқини ҳар томонлама ўстириш имконини берувчи метод ва усуллардан фойдаланиш тақозо этилади. Ааввало, репликаларнинг мазмунини англашдан ташқари, уларни талаффуз қилиш оҳанги устида ишланади. Метод ва усуллар ўқитувчига суҳбатни бошқаришга имкон берадиган қилиб танланиши мақсадга мувофиқдир[12]. Ниҳоят, ўқитувчи назорат метод ва усуллари ҳам мурожаат этади.

Таълим методларини танлашда, бир томондан, лисоний БКМларни тушунтириш, мустаҳкамлаш ва такрорлаб бориш, ўқувчилар нутқиде фаоллаштириш чоралари асосида тайин этилса, иккинчи томондан, бугунги кунда ўқувчиларнинг таълим-тарбияси олдида давлатимиз қўйган талаблардан келиб чиқилади. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва 2020-2030-йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясида ЎЗР Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5850-сон Фармонидаги талабларга кўра бугунги кунда мустақил фикрловчи, ижтимоий-сиёсий ҳаётда онгли иштирок этувчи шахсни шакллантириш асосий вазифалар сирасига қиради[2]. Диалог тузиш лисоний БКМларни фаоллаштириш йўллари билан бири бўлмиш нутқий мулоқотга доир БКМларни эгаллаш воситаси саналади. Шу мақсадда ўқувчиларнинг мустақил фикрлашига имкон берувчи усул – гуруҳда ишлаш усули қўл келади. Бу усул оз фурсат ичида ҳам янги материални ўзлаштириш, ҳам аввалги дарсда ўтилган мавзунни такрорлаш мумкин, бунда ўқувчилар фаоллиги таъминланади, улар ҳам савол тайёрлашлари, ҳам қўйилмаган пайтда жавоб бера билишлари керак.

Таҳлил ва натижалар. Тадқиқот мавзуси доира-сида ҳал қилиниши лозим бўлган методик муаммолар маълум даражада диалогик нутқ ўстиришнинг воситалари билан боғланади. Бу ўринда диалогик матн намуналари воситачилигидан ташқари, расмлар, турли чизмалар, сўз билан яратиладиган нутқий вазиратлар, ниҳоят, таълимнинг техник воситалари муҳим роль ўйнайди. Тил таълимида компьютерлардан самарали фойдаланишнинг

муҳим масалалари юзасидан озми-қўпми И.Р.Аҳмедов, М.Ю.Тўхтамирзаев, Ш.Ж.Юсупова, С.А.Адилова, Н.З.Умарова каби ўзбек методист олимларининг тадқиқотларида айрим назарий йўриқлар ва амалий тавсиялар баён қилинган. Н.З.Умарованинг номзодлик тадқиқот ишида таъкидлашча, "...мультимедиа воситалари ёрдамида машғулотларни ташкил этишнинг усулларидан вақт, жой, зарурият ва имконият тақозо қилган ўринларда фойдаланиш таълим самарадорлигини" оширади [6]. Унинг фикрича, ўзбек тили машғулотларининг самарадорлигини ошириш мақсадида электрон дарсликлар, электрон ишланмалар, слайд пакетлар, энциклопедия, лугатлар яратиш, электрон почтадан фойдаланиш зарур [6]. Диалогик нутқ ўстиришда ўзаро сўзлашувчиларнинг тасвири эмас, балки нутқий вазият акс этган сўзлашув вазиятидан фойдаланиш зарур бўлади. Шунга қўра кўрсатмалилик методлари сифатида нутқий вазият акс этган расм, сахна кўриниши, икки ўқувчининг вазиятни намоиш қилиши, ўзаро сўзлашаётганларни кузатишдан фойдаланилади. Бу методлар қолип гапни ёки мулоқот одоби қондасини тушунтириш жараёнида фойдаланиладиган воситаларни ифода этади. Ўргатиш босқичларини эса таништириш, машқ қилдириш ва қўллаш методлари орқали аташ жоиз [6].

Таникли психотерапевт К.Роджерснинг фикрича, диалогик нутқ психотерапевтик хусусиятларга эга бўлиб, кишини мустақкам руҳий соғломликка, барқарорлик ва ахлоқликка яқинлаштиради: "Кишининг ички томонини

қўрмай ва тушунмай туриб, уни бошқариш мумкин эмас, фақат диалогик мулоқот йўли билан унга яқинроқ бўлиш ва хислатларини аниқлаш мумкин – аниқроғи, қўнгли очилишига мажбур қилиш лозим, мулоқот чоғида бир-биримизни тушунишга ҳаракат қиламиз, муносабатлар қанчалик чуқур бўлса, сўзнинг маъносинигина эмас, ички мазмунини ҳам тушуниш истаги шунчалик кучли бўлади". Сўхбатни давом эттира билиш таълим-тарбия методини танлаш ишига масъулият билан ёндашишга ундовчи муҳим масалалардан биридир. Чунончи, "Сен тарих музейида бўлганмисан?", "Йўқ" қабилидаги [5]. савол-жавобдан сўхбат тўхтаб қолиши ҳеч гап эмас. Агар "Тарих музейида янги экспонатлар бормикан?" деган савол берилса, у сўхбатни давом эттириш учун туртки бериши мумкин.

Хулоса ва тавсиялар. Қолип гапларнинг маъно-мазмунини ва қўлланиш ҳолатларини тушунтиришда ўрнига қараб таржимасиз грамматик метод ва таржима-грамматик методдан, баъзан иккала метод қўймаси саналмиш аралаш методдан фойдаланилади. Ушбу жараёнда кўрсатмали вазиятчилик вужудга келтириладиган расмлар, улар намоиш этиладиган ахборот технологияларига мурожаат этилади, шу йўл билан таълим олувчиларнинг нутқий мулоқот маданиятини ривожлантиришга ҳамда уларнинг нутқий этикетларни ўзлаштириб, гапирганларида уларни қўллаш малакаларига эга бўлишлари, тушуниб, изоҳлай олишларига эришилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020-2030-йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш Конценциясида (ЎзР Президентининг 20.10. 2020 й. ПФ-6084-сон Фармонида 1-илова). Тошкент, – "Ўзбекистон" NMU, – 2020, – 56 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2020-2030-йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш конценцияси ЎзР Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги пуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5850-сон Фармони. Тошкент, – "Ўзбекистон" NMU, – 2019, – 46 б.
3. Yo'ldoshev R.A. Ta'lim rus tilida olib boriladigan maktablarda o'zbek tilini o'qitish metodikasi: Monografiya. – Toshkent, – "Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi", – 2015. – 157 b.
4. Адилова С.А. Ўзбек тили машғулотларини компьютер технологиялари воситасида ташкил этиш (олий таълим муассасаларининг русийзабон гуруҳларида): Пед.фан.номз. дисс...автореф. – Тошкент, – 2004. – 19 б.
5. Muxitdinova X. O'zbek tili Ta'lim rus va qardosh tillarda olib boriladigan maktablarning 8-sinfi uchun darslik. Qayta ishlangan 3-nashri. – Toshkent, – "O'qituvchi" NMU, – 2014, – 128 b.
6. Умарова Н.З. Талабаларнинг ўзбекча ёзма нутқини ўстиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш методикаси (техника олий ўқув юртларининг русийзабон гуруҳларида): Пед.фан.номз. дис.автореф. – Тошкент, – 2007. – 21 б.
7. Набиева Р.О. Обучение ситуативному диалогу в речевом общении на занятиях по русскому языку в 5-6 классах таджикской школы: дис... канд.пед.наук. – Ташкент, – 1998, – 175 с.
8. Хван В.А. Основы наглядно-ситуативного обучения русской речи в начальной национальной школе (опыт наглядно-ситуативного метода). – Ташкент, – Издательство "Ўқитувчи", – 1970, – 126 с.
9. Yakubinsky L.P. On dialogic Speech on JSTOR, Michael Eskin, On dialogic Speech, PMLA, Vol.112, No 2 (Mar.), – 1997, – pp. 243-256. <https://www.jstor.org/stable/463093> www.jstor.org.
10. Eriksen E. O. Dialogical Engagement and the Co-Creation of Cultures of Exploration, First Online: 29 February 2020, – Part of the International Perspectives on Early Childhood Education and Development book series (CHILD, volume 29), – pp. 83-104. http://link.springer.com/capter/10.1007/978-3-030-36271-3_6#:-text.
11. Ахмедова Г.М. Русийзабон ўқувчилар нутқий мулоқот маданиятини ўстиришнинг илмий-методик асослари. Монография. –Тошкент, "Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi", – 2019. – 152 б.
12. Введенская Л.А., Павлова Л.Г. Риторика и культура речи. Издание 5-е, дополненное и переработанное. Серия "Высшее образование", – Ростов на Дону, – Издательство "Феникс", – 2005, – 544 с.

☞MUALLIFLARGA ESLATMA☞

1. Maqola Times New Roman shriftida yozilishi lozim. Shrift hajmi – 14, qator oralig'i – 1.5, hoshiya chapda 3 sm., yuqori va pastda 2,5 sm., o'ngda 1,5 sm. bo'lishi kerak.
2. Har bir maqolada o'zbek, rus va ingliz tillarida 12-15 qator annotatsiya, 10 ta kalit so'zlari bo'lishi shart.
3. Maqolada muallif (lar)ning ism-familiya va otasining ismi, muallif telefon raqami, **E-mail** ko'rsatilgan bo'lishi lozim.
4. Maqola soha fan doktorining tavsiyasi (taqrizi) va ekspertlar xulosasi bilan qabul qilinadi. Taqriz hamda ekspert xulosasi elektron shaklda ham qabul qilinadi. Bunda taqriz va ekspert xulosasi faqat kompyuterda rangli skaner qilingan bo'lishi kerak.
5. Har bir maqolada muammoning qo'yilishi, materialning nazariy-metodologik va uslubiy jihatdan puxtaligi, manbalarning ishonchliligi, muammo, xulosa, taklif va tavsiyalarning asosliligiga e'tibor berilishi kerak.
6. Maqolada foydalanilgan asosiy adabiyotlar ro'yxati keltirilishi lozim.
7. Maqolalar hajmi kamida 8 ko'pi bilan 10 listdan iborat bo'lishi kerak.
8. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar mualliflarga qaytarilmaydi.
9. Tahririyat maqolani qisqartirish va tahrir qilish huquqiga ega.
10. Muallifning ism-familiyasi, ilmiy unvoni va ilmiy darajasi, lavozimi, telefoni, to'liq manzili ilova qilinishi lozim.

**ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ
ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

Журнал олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, докторант, аспирант, юқори курс талабалари, илмий ходимлар, илмий текшириш муассасалари ходимлари ҳамда халқ хўжалигининг турли соҳаларида хизмат қилаётган ходимларга мўлжалланган.

Журналда илмий-тадқиқот ишларининг натижалари, ечимини кутаётган масалалар акс этган мақолалар, бошқа мамлакатлардаги фан ва техникага оид янгиликлар, ЎЗМУ ва бошқа олий ўқув юртларида ўтказиладиган конференциялар ва анжуманлар ҳақида ахборотлар, илмий хабарлар чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 02-0071 гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган.

ЎЗМУ «Редакция-нашриёт» бўлими компютерида саҳифаланди.

Журналнинг баҳоси келишилган нархда. Индекс 752074.

Манзилимиз: Тошкент–700174, Талабалар шаҳарчаси-174, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, бош бино, 6-қават, 61-хона.

Тел. (ички): 347

Босишга рухсат этилди: 01.02.2023 й. Бичими 60x84 1/8. Нашр 42,75 б.т.

Буюртма № 22. Адади 45 нусха. ЎЗМУ босмахонасида чоп этилди.



**O'ZBEKISTON
MILLIY
UNIVERSITETI**

 Manzil: 100174. Toshkent shahri,
Talabalar shaharchasi
Universitet ko'chasi, 4-uy.
 Tel: 71 227-10-35, 90 323-20-11.

 https://t.me/nuu_uz/nuu_uz
 www.instagram.com/nuu.uz
 bit.do/nuuz

 www.nuu.uz
 devonxona@nuu.uz